

**22110006062764-сонли лотга**

**22-106-сонли**

**ШАРТНОМА**

Тошкент шаҳри

“28” апрель 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан бўён матнда Буюртмачи деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги Низом асосида иш юритувчи вазирнинг биринчи ўринбосари У.Шарифходжаев шахсида, бир томондан ва «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ, (бундан бўён матнда Ижрочи деб юритилади) Устав асосида иш юритувчи директор Т.Т.Мухамадиев шахсида, иккинчи томондан (бундан бўён матнда алоҳида кўлланганда Томон ва биргаликда кўлланганда Томонлар деб юритилади) мазкур шартномани тендер комиссиясининг 2022 йил 26 апрелдаги Умумий ўрта таълим ташкилотлари учун умумальим фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни харид қилиш бўйича баёнга мувофиқ қўйидагилар ҳакида тузиши:

**I. Шартноманинг предмети**

1.1. Ижрочи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ умумтаълим муассасалари учун мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган дарсликлар, дафтарлар ва ўқув методик кўлланмалар (бундан бўён матнда дарсликлар деб юритилади)ни шартноманинг шартлари асосида чоп этиш хизматларини кўрсатиш (бундан бўён матнда чоп этиш деб юритилади) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Ижрочининг хисоб-рақамига бажарилган ишлар учун мазкур шартнома шартларига мувофиқ маблагни ўтказиб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур шартномага асосан Ижрочи шартноманинг иловасида келтирилган дарсликларнинг техник тафсилотларига мувофиқ қўйидаги дарсликларни чоп этади:

| T/p          | Дарсликларнинг номи            | Синфи | Таълим тили  | Адади            | Бир донасининг нархи<br>ҚҚС билан | Умумий суммаси<br>ҚҚС билан |
|--------------|--------------------------------|-------|--------------|------------------|-----------------------------------|-----------------------------|
| 1            | Русский язык<br>(машк дафтари) | 3     | ўзбек-кардош | 590 440          | 5 153,25                          | 3 042 684 930,00            |
| 2            | Русский язык<br>(машк дафтари) | 4     | ўзбек-кардош | 568 885          | 5 157,75                          | 2 934 166 608 ,75           |
| <b>Жами:</b> |                                |       |              | <b>1 159 325</b> |                                   | <b>5 976 851 538,75</b>     |

**II. Шартноманинг умумий суммаси ва тўлов шартлари**

2.1. Мазкур шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан **5 976 851 538,75** (беш миллиард тўккиз юз етмиш олти миллион саккиз юз эллик бир минг беш юз ўттиз саккиз) сўм 75 тийинга тенг (бундан бўён матнда шартнома суммаси деб юритилади).

2.2. Шартнома суммаси дарсликларни чоп этиш (оригинал макетдан тайёр маҳсулот - дарслик ҳолатига келтириш) харажатларини ўз ичига олади.

2.3. Буюртмачи шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) календар кун мобайнида ижрочининг банк хисоб рақамига шартнома суммасининг 50 (эллик) фоиз миқдорини олдиндан тўлаб бериши лозим.

2.4. Шартнома суммасининг колган қисмини дарсликларни етказиб берувчи ташкилот томонидан мазкур дарсликларни ижрочининг омборидан олиб чиқиб кетгандан сўнг, такдим этилган хисоб-фактура ҳамда топшириш ва қабул қилиш далолатномаларига асосан, аванс

тўловларини чегириб қолган ҳолда, 90 (тўқсон) календар кун ичида буюртмачи томонидан ижрочига тўлаб берилади.

2.5. Тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш кафолати сифатида Ижрочи томонидан Буюртмачининг шахсий ғазначилик ҳисобварагига банк кафолати ёки пул маблағлари кўринишида шартнома суммасининг 1 (бир) фоиз микдорида мажбуриятни бажарилишини таъминлаши шарт.

2.6. Ижрочи шартнома шартларини тўлиқ бажармагандা, буюртмачи томонидан унга нисбатан мазкур шартномага мувофиқ ҳисобланадиган неустойкалар (жарима, пеня) ижрочини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг умумий суммасидан ушлаб қолинади.

### **III. Ижрочининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **3.1. Ижрочининг хуқуқлари қўйидагилардан иборат:**

3.1.1. Буюртмачидан техник тафсилотларни ўз вақтида олиш, улар юзасидан аниқлаштирувчи маълумотларни сўраб олиш;

3.1.2. Бажарилган ишлар учун ўз вақтида тўловни амалга оширилишини талаб қилиш;

3.1.3. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун буюртмачини ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортишни талаб қилиш.

3.1.4. Ижрочи буюртмачи мурожаати ёки бозор иштирокчилари талабларига биноан мазкур шартномада кўрсатилган дарсликларнинг умумий ададига қўшимча равишда 10% гача микдорда ўз ҳисобидан чоп этиши ва бозор нархларида сотиш хуқуқига эга.

#### **3.2. Ижрочининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:**

3.2.1. Дарсликларни мазкур шартноманинг иловаси билан тасдиқланган дарсликларнинг техник тафсилотлари асосида чоп этиш (ижрочи ўзи мустақил равишда шартномада белгиланган ададдан ортиқча чоп этиши тақиқланади);

Бунда, ижрочи оригинал макетларни ўрнатилган тартибда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги 108-сон қарорларига мувофиқ оригинал макетларни тайёрлашга ваколатли бўлган Республика таълим марказидан ишчи (исходный) файлларини электрон шаклда) олган ҳолда чоп этишига рухсат олиш учун Буюртмачига дарсликларнинг 3 (уч) та ранги сигнал нусхасини тасдиқланган ҳолда топшириш;

(Изоҳ: *Тасдиқлаш – нашрга тайёр бўлган дарсликларнинг оригинал ва таржима макетларини муаллиф(лар), муҳаррир (бош муҳаррир), мусаҳҳиҳ, таржимон, бадиий муҳаррир, бош рассом-дизайнер, техник-муҳаррир, Республика таълим маркази директори ва унинг ўринбосарлари, Республика таълим марказининг нашр ишлари бўйича бўлим бошлиги, тегишили бўлим бошлиқлари ва методист-мутахассислари, эксперталар ҳамда ижрочининг раҳбарлари ва тегишили масъул ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, имзолари қўйилган ҳолда тасдиқланиб, чоп этиши учун буюртмачига тақдим этиши.*


Ушбу тартибда тасдиқланмаган дарсликларни чоп этиши мумкин эмас. Томонлар ўз мутахассисларининг имзоларини қўйилишини таъминлайди.)

3.2.2. Дарсликлар учун ишлатиладиган қоғоз ва бошқа хом-ашёларининг сифати ва унинг дизайни амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ва меъёрларига жавоб беришини таъминлаш;

3.2.3. Дарсликларни белгиланган (мазкур шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган) муддат(лар)да тўлиқ чоп этиш.

3.2.4. Дарсликлар матбаа сифатини текшириш бўйича эксперт гурухини тегишили барча маълумотлар билан таъминлаш ва текшириш ўтказишда қатнашиш учун ўз вакилини тайинлаш;

3.2.5. Мазкур шартномага мувофиқ дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гурухи томонидан камчиликлари аниқланган дарсликларни шартноманинг иловасида келтирилган техник тафсилотларга тўлиқ жавоб берадиган сифатдаги дарсликларга 15 (үн беш) иш куни ичида алмаштириш;



3.2.6. Буюртмачи томонидан текширишда аниқланган хато ва камчиликларни тўлиқ тузатиши лозим. Дарсликлардаги аниқланган хато ва камчиликлар тузатилмасдан чоп этилганда, жавобгарлик ижрочи зиммасига юклатилади.

#### **IV. Буюртмачининг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

##### **4.1. Буюртмачининг ҳукуқлари қўйидагилардан иборат:**

4.1.1. Шартномани амал қилиш муддатида ижроидан дарсликларни чоп этиш жараёни ҳакида маълумотлар олиш;

4.1.2. Ўз вакиллари орқали ижроининг фаолиятига аралашмаган холда амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш, чоп этиш жараёнида маҳсулот қисмларининг тайёрланиши бўйича матбаа сифатини назорат қилиш, бу жараёнда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, ушбу камчилик ва нуқсонларни тузатиш (бартараф этиш) бўйича ижроини ёзма равишида огохлантириш;

4.1.3. Ўрнатилган сифат ва техник талабларга мос келмаган дарсликларни қабул килмаслик, уларни шартномада белгиланган талабларга мувофиқ дарсликларга алмаштиришни талаб қилиш;

4.1.4. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун ижроини ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш.

4.1.5. Буюртмачи Республика бўйича ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан дарсликларни эркин сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида Ижроига мазкур шартномада кўрсатилган дарсликларнинг умумий ададига кўшимча равишида 10% гача микдорда ўз ҳисобидан чоп этиши ва бозор нархларида сотиш юзасидан мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

##### **4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:**

4.2.1. Ижрои томонидан тасдиқлаш учун топширилган дарсликларнинг сигнал намунасини 5 (беш) иш куни мобайнида кўриб чиқиб, ўз фикрини билдириш дарсликларни чоп этишга рухсат бериш ёки тегишли ўзгартиришларни киритишни таклиф этиш);

4.2.2. Ижроининг ёзма хабарномаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази экспертигининг шартномада белгиланган дарсликнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бериши тўғрисида ижобий хulosани олган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичida дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гурухини тайёр дарсликлар сифатини текшириш учун юбориш;

4.2.3. Дарсликлар тайёр эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (дарсликлар сифатини текшириш эксперт гурухининг далолатномаси ва ижобий хulosасини) олган кундан бошлаб, 10 (үн) иш куни ичida ижрои омборхонасидан олиб кетиши чораларини кўриш.

#### **V. Тайёр дарсликларни текшириш, етказиб бериш тартиби ва муддати**

5.1. Ижрои шартномада кўрсатилган дарсликларни шартноманинг 2.3.-бандида кўрсатилган микдорда олдиндан тўлаб берилгандан сўнг 60 календарь кун муддатда тайёрлаши шарт.

5.2. Дарсликлар жўнатишга тайёр бўлганда ижрои буюртмачига тайёр дарсликлар ҳакида тўлиқ ёзма маълумот юбориши ва унда дарсликларнинг номи, адади, таълим тили, шартнома рақами, партия ( завод) рақами, 1 дона дарсликнинг оғирлиги (граммда) аниқ кўрсатилиши шарт. Мазкур ёзма маълумот шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган муддатда, лекин ушбу муддатлар тугашидан камида 3 (уч) иш куни олдин юборилиши шарт.

5.3. Ижроидан ёзма маълумот олинганидан сўнг, буюртмачи дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гурухини (кейинги ўринларда эксперт гурухи деб аталади) дарсликларни мазкур шартнома шартларига мослигини текшириш учун юборади.

5.4. Текшириш ижрои корхонаси ёки омборида ва охирги етказиб берилиши лозим бўлган жойда амалга оширилади.

5.5. Дарсликлар матбаа ижроси талабларига мослиги, уларнинг сифатини текшириш бўйича эксперт гурухи томонидан дарсликларнинг мазкур шартномада белгиланган техник

тафсилотлар (техник, дизайн ва спецификация талаблари)га мослиги ҳамда матбаа сифати (босма ва муковалаш) жиҳатдан буюртмачи томонидан қўйилган талабларга жавоб бериш-бермаслигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 июндаги “Таълим муассасалари учун хавфсиз полиграфия маҳсулотлари ҳақидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида”ги 146-сон қарорига мувофиқ танлаб олиш усули билан текширилади. Танлаб олиш ҳажми, қабул қилишга ва яроқсизликка (брakovkaga) оид сонлар мазкур қарор бўйича аниқланади.

5.6. Эксперт гурухининг 5.5. бандда назарда тутилган текширишлар натижаси эксперт гурухининг маҳсулот сифати ва сонини текшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Далолатномада дарсликларнинг техник тафсилотлари, сифати ва сонига қўйилган талабларга мувофиқлиги акс эттирилади.

5.7. Маҳсулот сифати ва сонини текшириш далолатномасида мазкур шартномада белгиланган техник тафсилотлар, стандарт талабларига мувофиқ эмаслиги, шунингдек бошка камчиликлар қайд этилганда эксперт гурухи ўз хulosасини мазкур далолатномада акс эттиради.

5.8. Эксперт гурухи хulosасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 146-сон қарори талаблари ҳамда шартноманинг иловасида келтирилган техник тафсилотлар га жавоб бермаган, ижрочи айби билан йўл қўйилган техник, матбаа сифатига доир хато ва нуқсонлар мавжуд бўлган дарсликлар буюртмачи томонидан қабул қилинмайди ва партия қайтарилади.

## **VI. Дарсликларни қабул қилиш тартиби ва дарсликларга**

### **бўлган мутлак муаллифлик (ноширлик) хукуқларининг буюртмачига ўтиши**

6.1. Дарсликларни қабул қилиш жойлардаги умумтаълим муассасаларида ўрнатилган тартибда тузилган дарсликларни қабул қилиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

6.2. Қабул қилиш комиссияси дарсликларда матбаа сифати орфографик, пунктацон, грамматик, стилистик хатолари бўйича камчилик ва нуқсонлар бўлмаган тақдирда, 3 (уч) кун муддат ичida сифатли дарсликларни топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қабул қилиши лозим.

6.3. Дарсликларга бўлган мутлак муаллифлик (ноширлик) хукуқлари буюртмачига ўрнатилган тартибда ўтади.

## **VII. Бутлаш (упаковка) ва тегишли ҳужжатлар тақдим этиш**

7.1. Ижрочи дарсликларни бутлашда мазкур шартномада кўрсатилган бутлаш шартларига тўлиқ амал қилиши шарт. Дарсликларни бутлаш иши амалдаги стандарт талабларга мувофиқ холда бўлиб, уни жойларга етказиш жараёнида (ортиш, тушириш, ташиш) бутланган дарсликлар титилиб кетмаслиги керак. Дарсликлар солинган ўрамларнинг ҳажми ва оғирлиги ташиш ва кўтаришга қулай бўлиши лозим.

7.2. Ҳар бир ўрамнинг устки қисмида дарсликларнинг номи, адади, таълим тили, синфи, шартнома раками, партия (завод) раками, 1 дона дарсликнинг оғирлиги (граммда) тўғрисидаги маълумотлар бўлиши шарт.

## **VIII. Кафолатлар**

8.1. Ижрочи шартномага мувофиқ етказиб бераётган дарсликлар амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда дарсликларнинг техник тафсилотларида келтирилган барча талабларга тўлиқ жавоб беришини кафолатлади.

8.2. Дарсликлар сифатига бериладиган кафолат муддати умумтаълим муассасасининг ўқувчилари мазкур дарсликлардан фойдаланишни бошлаган санадан 60 (олтмиш) календарь кун давомида амал қиласи.

8.3. Буюртмачи кафолат муддати даврида дарсликлардан хато-камчиликлар ёки нуқсонларни топса ижрочига ёзма хабар беради.

8.4. Ижрочи буюртмачининг ёзма хабарномасини олгач, 30 (үттиз) календарь кун ичida нуқсони бор бўлган дарсликларни ўз ҳисобидан бошқа худди шундай дарсликларга алмаштириади ва шу ишлар билан боғлиқ бўлган барча харажатлар (дарсликларни “Транспорт ва логистика

хизмати” ДУКнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар филиаллариға қадар етказиш ва нуксони бор бўлган дарсликларни улардан қайтариб олиб келиш)ни ўз хисобидан қоплади.

## IX. Форс-мажор ҳолатлари

9.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслигига форс-мажор ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлари - томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғокчилик, ёнгин, сув тошқини, эпидемия, карантин ва бошқалар) ёки ижтиомий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, фуқаро тартибсизликлари, эмбарго ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар) сабаб бўлса жавобгарликдан озод қилинадилар.

9.2. Агар форс-мажор ҳолатлари пайдо бўлса томонлар бир-бирларини ўз вақтида ёзма равишида ушбу ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари тўғрисида форс-мажор ҳолатлар пайдо бўлган кундан бошлаб 3 (уч) календарь кун ичидаги огоҳ қилишлари шарт. Томонлар бир-бирларига ёзма хабарнома юбориб, шартнома шартларини бажаришнинг бошқа усуllibарини қидириб, форс-мажор ҳолати тўскинилик қилмаётган мажбуриятларни бажаришда давом этадилар.

## X. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

10.1. Томонлар шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан қуидагиларни кафолатлайдилар:

- - қонунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- - шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- - моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

10.2. Томонлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва томонлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги харакатлари содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.


10.3. Томонлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуидаги харакатлари бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

• - назорат килувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиши, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишида тижорат ёки бошқа турдаги устунликка эга болиш ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилиши;

• - қонунга хилоф равишида олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги томонларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усули, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳукуқларини ёки унинг кимга қарашлиигини яширишга;

• - коррупцияга оид ҳукуқбузарлик содир қилиш учун тамагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир томон иккинчи томонни ҳамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.

10.4. Томонлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилғанлиги учун уларга тазийк ўтказилмаслигини кафолатлайди.



10.5. Агар бир томонга бошқа томоннинг коррупцияга қарши қўшимча шартларга оид белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи томонни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши, шунингдек ушбу томондан маълум муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилиши ва амалга оширилган ишлар юзасидан уни хабардор этишини талаб қилиши шарт. Томоннинг бу талаби иккинчи томон томонидан бажарилмаган тақдирда, ушбу томон шартномани бир томонлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## XI. Эътиrozлар ва томонларнинг мулкий жавобгарлиги

11.1. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилган ижрочининг мажбуриятлари ва кафолатларига тегишли бўлган ҳар қандай эътиrozларни ижрочига ёзма равища бериши керак.

11.2. Агар ижрочи дарслкларнинг талабга жавоб бермаслиги ҳақидаги хабарномани олгандан сўнг уни бошқаси билан алмаштиришни ўз вақтида амалга оширмаса, буюртмачи ижрочини ўрнатилган тартибда мулкий жавобгарликка тортиш ҳуқукига эга.

11.3. Ижрочи мазкур шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган муддатларда чоп эта олмаса ҳар бир кечиктирилган кун учун чоп этилмаган дарслклар қийматидан 0,4 (ноль бутун ўндан тўрт) фоиз микдорида буюртмачига пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси чоп этиб берилмаган дарслклар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

11.4. Буюртмачи чоп этиб берилган китоблар учун ўз вақтида тўловни амалга оширмаган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 (ноль бутун ўндан тўрт) фоизи, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

11.5. Ижрочи дарслкларда мазкур шартноманинг 3.2-бандида белгиланган талабларнинг биронтасини бузилишига йўл қўйса, шу хатоларни тузатишга кетадиган харажат қийматини тўлиқ қоплайди ва буюртмачи ижроцидан етказилган заарнинг 20 фоизигача жарима ундириб олишга, агар дарслклар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

11.6. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Қонунига асосан тартибга солинади.

## XII. Шартномани бекор қилиш

12.1. Шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки бекор қилиш факат томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

12.2. Қуйидаги ҳолатларда томонлар ўз мажбуриятларини кўпол равища бузган хисобланади:

12.2.1. Мажбуриятларининг бажарилишини мазкур шартномада белгиланган муддатлардан кечиктирган холда бажарса;


12.2.2. Томонлар ёки томон ўзининг мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларидан бирортасини бажара олмаса.

12.2.3. Шартноманинг 10.5.-бандида кўрсатилган шартлар бузилса шартнома бекор қилинади.

12.3. Агар ижрочи банкротликка юз тутса, буюртмачи исталган вактда ижрочига ёзма хабар бериш орқали шартномани бекор қилиши мумкин ва ушбу ҳолатда буюртмачи ижрочининг кўрган зиёнини тўламайди.

## XIII. Низоларни ҳал қилиш тартиби

13.1. Мазкур шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар, энг аввало, томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.



13.2. Агар ўзаро тушунмовчиликлар бошланган бўлиб, масаланинг ечими топилмаса, буюртмачи ёки ижрочи Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқиб, Иқтисодий судга мурожаат этишга ҳақли бўлади.

#### XIV. Якуний қоидалар

14.1. Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш факатгина томонларнинг розилиги билан уларнинг тегишли ваколатли шахслари қўшимча келишувга имзо қўйган тақдирдагина мумкин бўлади.

14.2. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари имзолаган, Молия вазирлиги ғазначилиги рўйхатидан ўtkazilgan кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

14.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи бир хил юридик кучга эга.

#### XV. Шартномага илова ҳужжатлар

15.1. Мазкур шартномага илова этилган ҳужжатлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

15.2. Шартномага дарсликларнинг техник тафсилотлари илова этилади.

#### XVI. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари

##### Буюртмачи:

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги

100017. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 2а-үй.  
Молия вазирлиги Ғазначилиги  
x/p 23 402 000 300 100 001 010  
ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси  
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919  
  
ш/xp 3004 10 860 26 277 7096 414 218 001  
ИНН: 201 122 808

##### Ижрочи:

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи  
МЧЖ,

100011, Тошкент шаҳари,  
Навоий кўчаси, 30-үй

x/p-2021 0000 1043 4735 5003  
ОПЕРУ АҚБ "Капитал банк"  
МФО-00974, ИНН-205188294  
ОКЭД-18120. Тел: 244-34-01



У.Шарифходжаев



Директор

Т.Т.Мухамадиев

Юрист  
мираллагов.и.л.

## ИЛОВА

## Дарслеклар ва ўкув-методик мажмуаларининг техник тафсилотлари

| T/р         | Дарслек ва ўкув-методик мажмуанинг номи                 | Синфи | Мажмуанинг номи | Таълим тили  | Бичими   | Мукова ранги | Матн ранги | Ҳажми (бети) | Мукова учун ишлатиладиган көзоз   | Матн учун ишлатиладиган көзоз  | Шаффофф эмаслиги     | Муковалаш усули   | Адади            |
|-------------|---|-------|-----------------|--------------|----------|--------------|------------|--------------|---|--|----------------------|---|------------------|
| 1           | Русский язык (ўзбек ва кардош тиллар учун) машқ дафтари | 3     | машқ дафтари    | ўзбек-кардош | 70x90/16 | 4 + 0        | 4 + 4      | 80           | Мукова: Оғирлиги $235\pm7,0$ g/m <sup>2</sup> ли оффет көгозидан юмшок мукова ишланади. | Ўкувчи кўзини чарчатмайдиган, вазни сингил, оғирлиги $60\pm3,0$ g/m <sup>2</sup> ли ва оқлиги 84% дан кам бўлмаган пухлая бумага (пухлость 1,6-2,0) көзоз туридан фойдаланилади. | 84% дан кам бўлмаган | Иккита зангламас металл сим билан икки томонидан бир-бирiga бирлаштирилади. Уч томондан тўгри ва текис киркилади. | 590 440          |
| 2           | Русский язык (ўзбек ва кардош тиллар учун) машқ дафтари | 4     | машқ дафтари    | ўзбек-кардош | 70x90/16 | 4 + 0        | 4 + 4      | 80           | Мукова: Оғирлиги $235\pm7,0$ g/m <sup>2</sup> ли оффет көгозидан юмшок мукова ишланади. | Ўкувчи кўзини чарчатмайдиган, вазни енгил, оғирлиги $60\pm3,0$ g/m <sup>2</sup> ли ва оқлиги 84% дан кам бўлмаган пухлая бумага (пухлость 1,6-2,0) көзоз туридан фойдаланилади.  | 84% дан кам бўлмаган | Иккита зангламас металл сим билан икки томонидан бир-бирiga бирлаштирилади. Уч томондан тўгри ва текис киркилади. | 568 885          |
| <b>Жами</b> |   |       |                 |              |          |              |            |              |   |  |                      |   | <b>1 159 325</b> |

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги



У.Шарифходжаев

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ

Директор \_\_\_\_\_ Т.Мухамадиев

